

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

103 **Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Республикага автотранспорт воситаларини олиб киришни янада тартибга солиш ва маҳаллий автомобилсозлик корхоналари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига 2010 йилнинг 1 апрелидан бошлаб иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лар ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга-ликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқади-ган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-каси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 2 апрель,
ПҚ-1316-сон